

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Мирахмедов Жахонгир Мирхонович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори

umarjafariroda@mail.ru

***Аннотация:** мақолада босқинчилик жинояти умумий тушунчаси, жиноятни олдини олиш масалалари, профилактика тушунчаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нимага йўналтирилганлиги, профилактика бўйича фаолият қандай чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига қамраб олганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ким томонидан амалга оширилиши, қонунчиликка “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари” тушунчасини киритиш таклифи киритилиб, тушунча лойиҳаси муҳокама қилинган.*

***Калит сўзлар:** босқинчилик жинояти, жиноят содир этган шахс, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, виктимизация, жиноят предмети, профилактика субъектлари.*

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда прокуратура органларининг ролини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Халқаро стандартларга жавоб берадиган соҳа қонунчилиги шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда фаолият ошқоралигини ва жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқий тартибот ҳар қандай давлатда иқтисодий фаровонлик ва сиёсий-ҳуқуқий барқарорликка эришишдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айнан қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш орқали давлат ўз функцияларини самарали бажариб, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлайди ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган.

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларида бири босқинчиликдир. Босқинчилик жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларининг самарали профилактик чора-тадбирлари, усул ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тақозо этади.

Ғараз мақсадларда, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида, **босқинчилик** ўзининг ижтимоий хавфлилиги даражаси юқорилиги билан ажралиб туради ва жамият хавфсизлиги, тинчлигига раҳна солувчи ижтимоий ҳавфи катта бўлган салбий ижтимоий иллатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддасида босқинчилик жиноятининг тушунчаси берилган бўлиб, унда *ўзганинг мол-мулкни талон-тороғ қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёти ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган тажовуз босқинчилик* дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йилнинг 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида **босқинчилик** ва **талончилик** жиноятларига тўхталиб ўтилган.

Хўш профилактика сўзи нимани англатади?

Манбааларга кўра “профилактика” грекча “prophylaktikos” сўзидан олинган бўлиб, бирор-бир зарарли, хавфли ёки исталмаган ҳолат (нарса ва х.к.)ни олдини олишга қаратилган ҳаракатлар ва чора-тадбирлари мажмуи деб тушунилади¹.

Мавжуд бошқа манбааларда эса ўзбек тилига айнан таржима қилинганда “сақлаш, эҳтиёт қилиш” (предохранительный) маъносини беради. “Профилактика” тушунчасига “олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш” (предотвращение), “хабардор қилиб қўйиш,

¹ “Википедия” (<https://ru.m.wikipedia.org>)

огоҳлантириш, олдини олиш” (предупреждение), “сақлаш, эҳтиёт қилиш” (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” – “ҳуқуқбузарликлар” ва “профилактика” тушунчаларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, ушбу тушунчалар илмий мунозара предмети бўлиб келмоқда.

“Ҳуқуқбузарлик” тушунчасининг мазмуни бўйича қатор мунозарали ёндашувлар илгари сурилган.

Биринчи ёндашув: аксарият муаллифлар (Б.Х. Пўлатов, А.А. Хамдамов, Б. Мадрахимов, М.М. Асрақулов, И.Х. Дусмурадов)нинг фикрига кўра, ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади¹.

Иккинчи ёндашув: Юридик энциклопедияда таъкидланишича, ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш ҳисобланиб, у жиноят, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади, кўп ҳолларда қонунбузарлик сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади². Айрим муаллифлар (М.Ю. Кержнер, Ғ.Т. Абдуллаходжаев)³ ҳам ҳуқуқбузарлик тушунчаси жиноят, ножўя хатти-ҳаракат, интизомни бузиш кабиларни ўз ичига олади, деб ҳисоблайди.

Учинчи ёндашув: Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир⁴.

¹ Пўлатов Б.Х. Бола ҳуқуқлари жамият ва давлат ҳимоясида, унинг истиқболлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. Хамдамов А.А., Мадрахимов Б. Вояга етмаганлар орасида талончилик жиноятининг олдини олиш // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 336, Асрақулов М.М., Дусмурадов И.Х. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари // “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 35 336.

² Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: “Шарқ”, 2001.б.656.

³ Абдуллаходжаев Ғ.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты. дисс. канд.юрид.наук. – Т., 2004. б.32

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил шундан далолат берадики, ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам ҳуқуқбузарлик тушунчасига юқоридаги мазмунда таъриф берилган.

Жумладан, ҳуқуқбузарлик тушунчаси: Россия Федерациясининг 23.06.2016 йилдаги “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг асослари тўғрисида”ги қонунида “маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат, ҳаракатсизлик) маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят”¹, Беларусь Республикасининг 04.01.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида”ги қонунида “содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)” (1-м.) сифатида таърифланган².

Аҳамиятли жойи, ҳуқуқбузарлик тушунчасини таърифлашда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси қонунларида ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунчаси, Беларусь Республикаси қонунида ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунчаси қўлланилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “қилмиш” тушунчаси “қилинган иш”, “ҳаракат”, “фаолият, “ножўя иш”, “қилғилик” маъноларини англатади³. Шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки ҳаракатсизликни қилмиш сифатида баҳолаш мунозаралидир.

Бундай ҳолатда, Беларусь Республикаси қонунидаги ушбу ёндашув қўллаб-қувватланишга лойиқдир.

Ўтказилган таҳлилларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин: ҳуқуқбузарлик деганда, содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси тўртинчи хатбошисига “ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик” мазмунидаги ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқ.

1 Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ “Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации” <https://mvd.ru/document>.

2 Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З “Об основах деятельности по профилактике правонарушений” // <https://www.pravo.by>.

3 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. И. А–Д / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.592

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятдан иборатдир. Шу ўринда миллий қонунчиликда “маъмурий ҳуқуқбузарлик” ва “жиноят” тушунчаларига берилган таърифларнинг ўзаро мувофиқлигини ёритиб ўтишни мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавfli (жиноят) ёки ижтимоий хавfli эмас (маъмурий ҳуқуқбузарлик) эканлигига ойдинлик киритувчи чегараларнинг мавжудлиги мазкур қонунлар билан қўриқланадиган объектларнинг белгилаб олинишига замин яратади. Қилмишнинг ижтимоий хавfli ёки хавfli эмаслигини ажратиб турувчи чегара эса, одатда етказилган зарар (моддий, маънавий ва жисмоний)нинг хусусияти, яъни даражаси, ҳажми ва миқдори билан белгиланади. Қонун чиқарувчи мазкур чегарани белгилашда биргина содир этилган қилмиш орқали етказилган зарарнинг хусусиятини эмас, балки уни содир этган шахснинг хусусиятини ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчасига берилган таъриф “ҳуқуқбузарлик” ва “профилактика” атамаларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган. Чунки “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаси “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади. Буни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига берилган таърифда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш умумий профилактиканинг асосий элементларидан бири тариқасида келтирилганлигида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими тушунилади (3-м.)¹.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлилга асосланиб айтиш мумкинки, хорижий давлатлар қонунларида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” қуйидагича таърифланган:

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан амалга ошириладиган, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш йўли билан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар комплекси (Қозоғистон Республикасининг 29.04.2010 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни 1-м.)¹;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатишга йўналтирилган ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, инфорацион ва бошқа характердаги чора-тадбирлар мажмуи (Россия Федерациясининг 23.06.2016 йилдаги “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг асослари тўғрисида”ги Федерал қонуни 2-м.)²;

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва (ёки) яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш бўйича фаолияти (Беларусь Республикасининг 04.01.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида”ги қонуни 1-м.)³;

4) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – Қирғиз Республикаси давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, меҳ-нат жамоалари, мансабдор шахслари ва фуқароларининг ғайриҳуқуқий қилмишлар-нинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш ва зарарсизлантиришга, хатти-ҳаракатлари ғайри-ижтимоий йўналишда бўлган алоҳида тоифадаги шахсларни яқка тартибда тарбия-лаш ва қулай турмуш шароити билан таъминлашга, қонунга итоаткорлик хулқ-ат-ворини рағбатлантирувчи омилларни фаоллаштиришга, ғайриҳуқуқий қилмиш-ларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, тарбиявий, махсус ва бошқа чора-тадбирлар

¹ Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК “О профилактике правонарушений” // www.online.zakon.kz.

² Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ “Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации” <https://mvd.ru/document>.

³ Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З “Об основах деятельности по профилактике правонарушений” // <https://www.pravo.by>.

тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган фаолияти (Қирғиз Республикасининг 25.06.2005 йилдаги “Қирғиз Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни 1-м.)¹.

Юқоридаги давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунларининг тегишли нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг мазмунини қатор саволлар воситасида ёритиб ўтамиз.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нима?

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: 1) “чора-тадбирлар тизими” (Ўзбекистон Республикаси), “чора-тадбирлар комплекси” (Қозоғистон Республикаси), “чора-тадбирлар мажмуи” (Россия Федерацияси); 2) “фаолият” (Беларусь Республикаси, Қирғиз Республикаси).

Ушбу таққословдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – чора-тадбирлар тизими (мажмуи) эмас, балки фаолиятдир десак мақсадга мувофиқродир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қароридаги “давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти” деган танқидий фикрда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолият эканлиги таъкидланган².

Кўриниб турибдики, фаолият тушунчаси чора-тадбирларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нимага йўналтирилган фаолият?

1) ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга (Ўзбекистон Республикаси)³;

¹ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 “О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике” // www.cbd.minjust.gov.kg.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

2) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш йўли билан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлашга (Қозоғистон Республикаси)¹;

3) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатишга (Россия Федерацияси)²;

4) ғайриҳуқуқий қилмишларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш ва зарарсизлантиришга, хатти-ҳаракатлари ғайриижтимоий йўналишда бўлган алоҳида тоифадаги шахсларни якка тартибда тарбиялаш ва қулай турмуш шароити билан таъминлашга, қонунга итоаткорлик хулқ-атворини рағбатлантирувчи омилларни фаоллаштиришга, ғайриҳуқуқий қилмишларнинг олдини олишга (Қирғиз Республикаси)³.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти қуйидагиларга йўналтирилади:

1) ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш;

2) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш;

3) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш (зарарсизлантириш);

4) хатти-ҳаракатлари ғайриижтимоий йўналишда бўлган алоҳида тоифадаги шахсларни якка тартибда тарбиялаш ва қулай турмуш шароити билан таъминлаш;

5) ғайриҳуқуқий қилмишларнинг олдини олиш;

6) қонунга итоаткорлик хулқ-атворини рағбатлантирувчи омилларни фаоллаштириш;

7) ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.

Ушбу рўйхат таҳлил қилинаётган давлатларнинг бир-бирида такрорланмайдиган, аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг

¹ Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК “О профилактике правонарушений” // www.online.zakon.kz.

² Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ “Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации” <https://mvd.ru/document>.

³ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 “О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике” // www.cbd.minjust.gov.kg.

негизини ташкил этувчи йўналишлардан таркиб топган. Улар орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг объекти ва предметларини аниқлаб олиш имконияти юзага келади.

Юқоридагилардан келиб чиқилганда, “ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг объектлари – бу, профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари йўналтирилган салбий ҳодиса ва жараёнлар ҳамда шахслар” деган хулосага келамиз.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларини қуйидагича таснифлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

а) профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари йўналтирилган салбий ҳодиса ва жараёнларга кўра:

1) ғайриижтимоий хулқ-атвор;

2) ҳуқуқбузарлик; 3) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар;

б) профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари йўналтирилган шахслар доирасига кўра:

1) фуқаролар;

2) ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;

3) ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар;

4) ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар;

5) ҳуқуқбузарликдан жабрланувчилар;

6) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли ҳолатида бўлган шахслар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият қандай чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига қамраб олади?

1) ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар (Ўзбекистон Республикаси)¹;

2) ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар (Қозоғистон Республикаси)² ;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

² Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗПК “О профилактике правонарушений” // www.online.zakon.kz.

3) ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, информацион ва бошқа характердаги чора-тадбирлар (Россия Федерацияси)¹ ;

4) чора-тадбирлар (Беларусь Республикаси)² ;

5) ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, тарбиявий, махсус ва бошқа чора-тадбирлар (Қирғиз Республикаси)³ .

Таҳлил натижасини умумлаштириб, амалиёт ҳолатларини инобатга олган ҳолда, хулосага келиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий, ташкилий, информацион, махсус ва бошқа (масалан, тиббий, психологик, мафкуравий, сиёсий, маданий, маърифий ва ҳ.к.) чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига қамраб олади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ким томонидан амалга оширилади?

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари (Қозоғистон Республикаси, Беларусь Республикаси)⁴ ;

2) давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар (Қирғиз Республикаси)⁵ .

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилигида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ким томонидан амалга оширилиши юзасидан аниқ ёндашув мавжуд эмас, чунки ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси субъекти тушунчасига нисбатан таъриф берилмаган.

Таҳлил натижасини умумлаштириб айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий салбий оқибатларини, балки уларни келтириб чиқарувчи ва содир

¹ Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ “Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации” <https://mvd.ru/document>.

² Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З “Об основах деятельности по профилактике правонарушений” // <https://www.pravo.by>.

³ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 “О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике” // www.cbd.minjust.gov.kg.

⁴ Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З “Об основах деятельности по профилактике правонарушений” // <https://www.pravo.by>., Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК “О профилактике правонарушений” // www.online.zakon.kz.

⁵ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 “О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике” // www.cbd.minjust.gov.kg.

этилишига имкон берувчи сабаб ва шароитларни ҳам бартараф этишга йўналтирилганини қайд этиш керак.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, муайян таҳдидларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланиб қолмасдан, уларни келтириб чиқараётган асосий сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш талаб этилади¹.

Ижтимоий салбий оқибат жамиятга зарар келтиради, жамиятни эса ушбу жамият аъзолари ташкил этади. Жамият аъзоларининг ҳар бири у ёки бу вазиятда ижтимоий салбий таъсирлардан зарар кўриши мумкин. Демак, жамиятни ижтимоий салбий таъсирлар ва уларнинг оқибатларидан асраш учун ҳар бир жамият аъзоси масъул ва бу унинг шу жамият аъзолиги бурчидир. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жинсий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак”².

Қонун чиқарувчи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда профилактика субъектларини мазкур ёндашувга асосланиб шакллантиришга ҳаракат қилган, бироқ тўлиқ тизимлаштирмаган.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ва муассасалардан иборат икки гуруҳга ажратилган субъектлар тизими мавжуд. Мазкур тизимда қуйидаги камчиликларни кузатиш мумкин:

1) қонуннинг 6-бобида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими аниқ шакллантирилган, бироқ иштирок этувчи субъектлар мавҳум қолган. Натижада Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қайси гуруҳга мансублигига ойдинлик киритишда мунозарали ҳолат юзага келган;

2) қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи субъектлар ҳам эътироф этилган, бироқ ваколати ва фаолиятининг мазмунидан келиб чиқиб, ушбу субъектларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар гуруҳига ҳам, иштирок этувчи субъектлар гуруҳига ҳам қўшиб бўлмайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

² Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

Шунга кўра, қонунда келтирилган нормалардан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларини қуйидагича таснифлаш тавсия этилади:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикасида **давлат сиёсатини шакллантирувчи ва амалга оширувчи субъектлар** (президент, парламент, ҳукумат);

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита **амалга оширувчи субъектлар** (ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари);

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикасида **иштирок этувчи субъектлар** (Миллий гвардия, судлар, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлар, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари);

4) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини **мувофиқлаштирувчи субъектлар** (Худудларда жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш республика комиссияси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича, вояга етмаганлар ишлари бўйича, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар, прокуратура органлари ҳузуридаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар).

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун нормаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар тариқасида фақат орган ва муассасаларнинг келтирилиши, фуқароларни профилактика субъекти сифатида эътироф этишни истисно этади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан фақат Қозғистон ва Қирғиз Республикаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунларида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари” тушунчасига таъриф берилган¹.

¹ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 “О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике” // www.cbd.minjust.gov.kg., Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК “О профилактике правонарушений” // www.online.zakon.kz.

Ушбу тушунчага Қозоғистон Республикасининг қонунида “ҳуқуқбузарликлар профилактикасини давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва Қозоғистон Республикаси фуқаролари амалга оширадилар”¹ деб, Қирғиз Республикасининг қонунида “давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, ижтимоий-профилактик марказлар, бирлашма, корхона, муассасалар ва бошқа мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ҳамда Қирғиз Республикасида яшовчи Қирғиз Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир”² деб таъриф берилган.

Ушбу таърифни субъектларнинг таснифига асосланиб ишлаб чиқиш ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг “Асосий тушунчалар” мазмуни ёритилган 3-моддасига “*ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари – профилактик таъсир кўрсатиш чоратадбирларини амалга оширувчи давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек, мўлкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилот ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар*” мазмунда янги хатбошини киритиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК “О профилактике правонарушений” // www.online.zakon.kz.

² Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 “О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике” // www.cbd.minjust.gov.kg.